



№ 839

2020 yil «14» сентябрь

**“Халқ назорати” электрон порталини ишга тушириш
чора-тадбирлари тўғрисида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда) асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 мартдаги “Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4642-сонли қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.03.2020 йил) ижросини таъминлаш ҳамда Тошкент шаҳри аҳолисининг ҳаётида фаол иштирок этиш орқали Тошкент шаҳри кийёфасини ва инфратузилмаси ҳолатини яхшилашга ҳамда давлат хизматларининг сифати ва аҳолини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Рақамли ривожланиш департаменти” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда - Департамент деб аталади) томонидан “Халқ назорати” электрон портали (кейинги ўринларда - портал деб аталади) ишлаб чиқилганлиги ҳамда ишга туширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

“Халқ назорати” электрон порталида маълумотларни қайта ишлаш Регламенти 1-иловага мувофиқ;

Фойдаланувчилар томонидан “Халқ назорати” электрон порталига юборилаётган маълумотларни модерация қилиш бўйича ягона қоидалар 2-иловага мувофиқ;

“Халқ назорати” электрон порталига уланадиган Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, туман ҳокимликлари, уларнинг тузилмасидаги бошқарма, корхона ва ташкилотлар ҳамда бошқа мутасадди бошқарма ва ташкилотлар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

а) Департамент порталнинг ишлаб чиқувчиси ҳисобланади;

б) жисмоний шахслар шаҳар инфратузилмасининг ҳолати ва бошқа масалалар юзасидан хабарлар ва таклифлар киритиш учун порталда бепул рўйхатдан ўтади;

в) Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармасининг “1055-Марказий шаҳар диспетчерлик хизмати” порталнинг оператори ҳисобланади.

4. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, туман ҳокимликлари, мутасадди бошқарма ва ташкилотлар:

Департамент билан биргаликда 2020 йилнинг 25 сентябрига қадар порталга уланиш ва унга келиб тушган хабарлар ва таклифларни қонун ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилган ҳолда, тўлиқ, ҳолис ва ўз вақтида кўриб чиқилиши, бунда айниқса, аниқланган муаммоли масалалар ўрганиб чиқилиб, ҳал этилишини ташкил этиш ва назорат қилиниши;

порталга келиб тушган хабарлар ва таклифлар бўйича аниқланган муаммоли масалаларни бартараф этиш мақсадида, шаҳар ҳокимлигига таклиф киритилиши;

порталдаги хабар ва таклифларнинг ижрочилари билан боғлиқ бўлган маълумотларни доимий равишда янгиланган борилиши таъминлансин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари – “Рақамли ривожланиш департаменти” МЧЖ (С.Абдуллаев):

2020 йилнинг 25 сентябрига қадар жисмоний шахслар томонидан “Халқ назорати” электрон портали билан фойдаланиш тўғрисидаги Қелишув тасдиқласин;

жисмоний шахслардан порталга келиб тушган хабар ва таклифларни тегишлилиги бўйича бошқарма ва ташкилотларга юборилган мурожаатларни

кўриб чиқиши ва ҳал этилиши устидан тизимли ҳамда таҳлилий мониторинг ўтказиб борилиши;

порталга келиб тушган хабарлар ва таклифларни ҳамда уларни кўриб чиқиш жараёнида аниқланган муаммоли масалалар ва уларни ҳал қилиш фаолиятини доимий равишда мувофиқлаштирилиши, шунингдек, чуқур таҳлил қилган ҳолда ҳар чорак якунида Тошкент шаҳар ҳокимлигига ахборот киритилиши таъминлансин;

Тошкент шаҳрининг бошқарма ва ташкилотларида портал фаолиятини ташкил этиш ва портал билан боғлиқ бўлган ташкилий масалаларни ҳал этилишида яқиндан кўмаклашиш ишлари амалга оширилсин.

6. “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталари таҳририяти (А.Акромов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (П.Халиулин), Матбуот хизмати (Ф.Махмудхўжаев):

мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари Б.Раҳмонкулов ва С.Абдуллаев зиммаларига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими



Ж.Артикходжаев

“Халқ назорати” электрон порталида маълумотларни қайта ишлаш РЕГЛАМЕНТИ

1. Умумий қоидалар

1.1. «Халқ назорати» электрон порталида маълумотларни қайта ишлаш регламенти (кейинги ўринларда – Регламент) «Халқ назорати» электрон порталида фойдаланувчилар томонидан (кейинги ўринларда – Фойдаланувчилар) «Халқ назорати» электрон порталига (кейинги ўринларда – Портал) йўлланадиган маълумотларни ҳамда Порталда Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари, уларнинг тузилмасидаги бошқарма, корхона ва ташкилотлар ҳамда бошқа мутасадди бошқарма ва ташкилотлар (кейинги ўринларда – масъул ижрочилар) томонидан тайёрланган жавобларини қайта ишлаш тартибини белгилайди.

1.2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Фойдаланувчилар томонидан Порталга жўнатиладиган ахборот – Фойдаланувчилар томонидан Порталга юбориладиган хабарлар (Порталга техник ёрдам кўрсатиш масалаларидан ташқари) ва сигналлар.

Фойдаланувчилар томонидан Порталга жўнатиладиган ахборотни қайта ишлаш – Фойдаланувчилар хабарларини таҳлил қилиш, текшириш, улар томонидан юборилган хабарларни Порталда чоп этиш (Порталга техник ёрдам кўрсатиш масалаларидан ташқари), Фойдаланувчилар сигналларини таҳлил қилиш ва текшириш, шунингдек уларнинг хабарлари ва сигналларини рад этиш.

Фойдаланувчилар – Порталда рўйхатдан ўтган шахслар. Фойдаланувчилар Портал функционалларида муаммо тўғрисидаги матнли шарҳлар ва/ёки фотоматериалларни хабар ёки сигнал шаклида йўналтириш учун фойдаланиши мумкин.

“Халқ назорати” электрон портали - Интернет тармоғида www.xalqnazorati.uz манзилида жойлашган масъул ижрочиларга жисмоний шахслардан келиб тушаётган хабар ва сигналларини кўриб чиқиш, улар билан ишлашни оптималлаштириш ҳамда ҳокимлик ва шаҳар аҳолиси билан ўзаро ҳамкорлигини оширишга мўлжалланган интерактив хизмати (кейинги ўринларда – Портал) ҳисобланади.

Фойдаланувчиларнинг хабари – кўриб чиқиш ва жавоб қайтариш учун масъул ижрочиларга йўлланадиган муаммо тўғрисидаги матнли ва/ёки фотоматериалли шарҳлар.

Фойдаланувчилар хабарининг чоп этилиши – Порталда Фойдаланувчилар томонидан умумфойдаланиш учун муаммо тўғрисидаги матнли шарҳни ва/ёки фотоматериални жойлаштириш.

Фойдаланувчиларнинг сигнали – масъул ижрочиларга йўлланадиган муаммо тўғрисидаги матнли ва/ёки фотоматериалли шарҳлар.

Фойдаланувчиларнинг сигнални қайта йўналтириш – муаммо тўғрисидаги матнли ва/ёки фотоматериалли шарҳларни текширув ўтказиш учун масъул ижрочиларга йўллаш.

Масъул ижрочиларнинг жавоби – матнли шарҳ, шу жумладан, масъул ижрочилар томонидан тайёрланган ва Портал орқали фойдаланувчиларга йўлланган жавоби (фотоматериаллар илова қилинган ҳолда).

Масъул ижрочилар томонидан берилган жавобини қайта ишлаш – Масъул ижрочиларнинг жавобини қайта ишлаш ҳамда уни Порталда чоп этиш учун жўнатиш.

Масъул ижрочиларнинг жавобини чоп этиш – Масъул ижрочиларнинг жавобини умумфойдаланиш учун Порталда чоп этиш.

Шахсий кабинет – Порталнинг шахсий бўлими бўлиб, фойдаланувчилар томонидан шахсий логин ва паролдан фойдаланган ҳолда Портал сервисларидан фойдаланиш, унда жойлаштирилган ахборот билан ишлаш имконини берувчи порталдаги индивидуал саҳифаси ҳисобланади.

1.3. Фойдаланувчилар томонидан Порталга жўнатиладиган ахборотни ва масъул ижрочиларнинг жавобларини қайта ишлаш жараёнида қуйидагилар иштирок этади:

- Порталнинг оператори - Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармасининг “1055-Марказий шаҳар диспетчерлик хизмати” (кейинги ўринларда – Портал оператори);

- Фойдаланувчилар хабарларига ўз функционал вазифаларидан келиб чиққан ҳолда жавобларни тайёрлаш учун масъул бўлган ва Фойдаланувчилар сигналларини текширишни амалга оширадиган масъул ижрочилар;

- Фойдаланувчилар томонидан Порталга жўнатиладиган хабар ва сигналларни масъул ижрочилар томонидан кўриб чиқиш ва унинг натижалари бўйича йўлланган жавобларни мониторинг ва назорат қилиш учун масъул бўлган функционал вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари (кейинги ўринларда – ҳоким ўринбосарлари).

1.4. Портал оператори ўз фаолиятида Фойдаланувчиларнинг хабарларини чоп этиш тартибини йўлга қўйиш ва сақлаб туриш, уларнинг сигналларини масъул ижрочиларга қайта жўнатиш учун “Халқ назорати” электрон порталига юборилаётган маълумотларни модерация қилиш бўйича ягона қоидаларига (кейинги ўринларда – Ягона модерация қоидалари) ҳамда “Халқ назорати” электрон портали билан фойдаланиш тўғрисидаги Келишувга (кейинги ўринларда – Келишув) амал қилади.

1.5. Фойдаланувчиларнинг ахборотларини кўриб чиқиш ва унинг натижалари бўйича жавоб йўллашда масъул ижрочилар мазкур Регламент билан белгиланган талабларга амал қилади.

1.6. Ҳоким ўринбосарлари Фойдаланувчилар хабарларига жавобларни тайёрлаш ва уларни юбориш учун масъул бўлган тузилмасидаги бошқарма, корхона ва ташкилотлар ҳамда бошқа мутасадди бошқарма ва ташкилотлари раҳбарлари ўринбосари лавозимидан паст бўлмаган мансабдор шахсларни белгилайди.

2. Фойдаланувчилар томонидан Порталга юбориладиган ахборотни қайта ишлаш

2.1. Фойдаланувчилар томонидан Порталга юбориладиган ахборот Портал оператори кабинетига келиб тушади.

2.2. Фойдаланувчилар томонидан Порталга юбориладиган ахборотни қайта ишлаш натижаларига кўра, Портал оператори қуйидаги ҳаракатни амалга оширади:

- Фойдаланувчиларнинг хабарини чоп этади;
- Фойдаланувчиларнинг сигналини қабул қилади;
- Фойдаланувчилар томонидан Порталга юбориладиган ахборотни рад этади.

2.3. Ушбу Регламентнинг 2.2. банди иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳаракатни амалга оширган тақдирда, Фойдаланувчиларнинг хабари мажбурий тартибга чоп қилиниши керак ҳамда унга жавоб тайёрлаш мақсадида масъул ижрочиларга юбориш учун ваколатли ҳоким ўринбосарининг шахсий кабинетига келиб тушади.

2.4. Ушбу Регламентнинг 2.2. банди учинчи хатбошида кўрсатилган ҳаракат амалга оширган тақдирда Фойдаланувчиларнинг сигнали текширув ўтказилиши учун ваколатли ҳоким ўринбосарининг шахсий кабинетига йўлланиши шарт.

2.5. Ушбу Регламентнинг 2.2. банди тўртинчи хатбошида кўрсатилган ҳаракат амалга оширган тақдирда Фойдаланувчиларнинг электрон манзили бўйича Фойдаланувчилар томонидан Порталга юборилган ахборотни рад этиш тўғрисидаги хабарнома юборилади ва бунда Ягона модерация қоидалари ва/ёки Келишувнинг тегишли банди кўрсатилади.

2.6. Ахборотни қайта ишлаш муддати Фойдаланувчилар томонидан Порталга ахборот юборилган пайтдан бошлаб, Фойдаланувчиларнинг хабари Порталда чоп этилиши, Фойдаланувчиларнинг сигнали қабул қилиниши ва/ёки Фойдаланувчиларнинг электрон манзилига Фойдаланувчилар томонидан Порталга юборилган ахборотнинг Ягона модерация қоидалари ва/ёки Келишувга мос келмаганлиги учун қайтарилиши тўғрисидаги хабар юборилган пайтгача 24 соатдан ошмаслиги керак, ушбу Регламентнинг 2.7 бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

2.7. Иш куни бўлмаган кунларнинг умумий сони икки ва ундан ортиқ кунни ташкил этган байрам кунларига тўғри келган тақдирда, Фойдаланувчилар томонидан Порталга юборилган ахборотни қайта ишлаш муддати 72 соатдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

3. Масъул ижрочилар томондан тайёрланган жавобни қайта ишлаш

3.1. Фойдаланувчиларнинг хабарини олган масъул ижрочилар 8 иш куни давомида унга жавоб тайёрлайди.

3.2. Масъул ижрочилар томонидан тайёрланган жавоб қайта ишлаш учун Портал операторига жўнатилади.

3.3. Портал оператори масъул ижрочилар томонидан тайёрланган жавобни қайта ишлаш натижаларига кўра, қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

- Масъул ижрочилар жавобини чоп этади, нусхасини тегишли ҳоким ўринбосарининг шахсий кабинетига жўнатади;

- Масъул ижрочилар жавобини қайта кўриб чиқиш учун жўнатади.

3.4. Мазкур Регламентнинг 3.3. банди иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳаракат амалга оширган тақдирда, масъул ижрочиларнинг жавоби Порталда чоп этилиб, хабар муаллифи шахсий кабинетига жўнатилиши лозим.

3.5. Мазкур Регламентнинг 3.3. банди учинчи хатбошида кўрсатилган ҳаракат амалга оширган тақдирда, масъул ижрочининг жавоби тегишлилиги бўйича қайта кўриб чиқиш учун қайтарилади ва бунда Ягона модерация қоидалари ва/ёки Келишувнинг тегишли банди кўрсатилиши лозим.

3.6. Портал оператори томонидан масъул ижрочиларнинг жавобини қайта ишлаш муддати 24 соатдан ошмаслиги керак, ушбу Регламентнинг 3.7 бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

3.7. Иш куни бўлмаган кунларнинг умумий сони икки ва ундан ортиқ кунни ташкил этган байрам кунларига тўғри келган тақдирда, масъул ижрочилар жавобини қайта ишлаш муддати 72 соатдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

4. Портал фойдаланувчилари хабарларининг ва уларга берилган жавобларнинг қайта ишлаш бўйича таҳлили

4.1. Портал оператори ҳар ойда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Raqamli rivojlanish departamenti” МЧЖга ҳар чоракда Тошкент шаҳар ҳокимлигига тақдим этиш учун Фойдаланувчилар томонидан Порталга узатилган асосий мавзулар ва муаммолар, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда унинг тизимидаги бошқарма ва ташкилотлари томонидан уларга жавоб қайтариш юзасидан таҳлилий ахборот тақдим этади.

**Фойдаланувчилар томонидан “Халқ назорати” электрон порталига юборилаётган
маълумотларни модерация қилиш бўйича ягона
ҚОИДАЛАР**

1. Умумий қоидалар

1.1. Фойдаланувчилар томонидан “Халқ назорати” электрон порталига (кейинги ўринларда – Портал) жўнатилаётган ахборотни модерация қилиш бўйича ягона қоидалари (кейинги ўринларда – Ягона модерация қоидалари) Порталда Фойдаланувчиларнинг хабарлари ва сигналларини қайта ишлашни таъминлаш мақсадида тайёрланган.

1.2. Ушбу Ягона модерация қоидаларини амалга ошириш учун қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Блокировка – Фойдаланувчи томонидан Порталда амалга оширилиши мумкин бўлган ҳаракатларни чегаралаш бўйича техник чора ва у Фойдаланувчилар томонидан Порталга ахборот йўллашни вақтинчалик тақиқлаш шаклида ифодаланиши мумкин.

Фойдаланувчилар томонидан Порталга юборилаётган ахборотни қайтариш – Порталда Фойдаланувчининг хабари жойлаштирилишига йўл қўймаслик.

**2. Фойдаланувчилар томонидан Порталга йўлланадиган
ахборотга қўйиладиган талаблар**

2.1. Фойдаланувчиларнинг Порталга йўлланадиган ахборотлари кирилл ёки латин алифбосига асосланган ўзбек тилида ёки рус тилида ёзилган бўлиши керак.

2.2. Фотоматериаллар Порталда фақат Фойдаланувчининг матнли шарҳига қўшимча сифатида чоп этилади. Фотосурат муаммо ҳақидаги ахборотни йўллаш учун ўзига хос ажралмас қисми бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

2.3. Порталда қуйидагиларнинг чоп этилишига йўл қўйилмайди:

- ўзида шахсга доир маълумотларга эга, эътиборни маълум одамларнинг кифёларига қаратадиган маълумотларни кўзда тутувчи фотосуратлар;
- объектларни ва уларда бажарилган ишларни фарқлаш учун етарли бўлмаган, равшанлиги ва сифати паст бўлган фотосуратлар;
- фоторедакторларда таҳрир қилинган фотосуратлар, шу жумладан, фоторедакторларда ўзгартирилган, бир неча тасвирлардан иборат бўлган фотосуратлар;
- таҳрир қилиш, кадрлар ёки яқинлаштириш талаб қилинадиган фотосуратлар.

2.4. Порталда чоп этиш учун умумий ҳажми 10 Мбдан кўп бўлмаган, *.jpg, *.png форматдаги фотосуратлар қабул қилинади.

2.5. Фойдаланувчилар томонидан Порталга жўнатиладиган ахборотда 5 тадан ортиқ фотосурат бўлмаслиги керак.

2.6. Фойдаланувчи томонидан Порталга йўлланган муаммо тўғрисидаги ахборот, шу жумладан, илова қилинган фотоматериаллар таҳрир қилинмайди.

Шу билан бирга, Фойдаланувчи томонидан у томонидан кўрсатилган муаммога бевосита алоқаси бўлмаган фотоматериаллар юборилган тақдирда, шунингдек, ушбу Ягона модерация қоидаларининг 2.3. бандига зид бўлган ҳолатлар аниқланган тақдирда Фойдаланувчи томонидан юборилган фотосуратлар Портал оператори томонидан ўчириб ташланиши ёки Порталнинг оммавий қисмидан яширилиши мумкин.

3. Фойдаланувчи томонидан Порталга юбориладиган ахборотнинг рад этиш сабаблари

3.1. Фойдаланувчи томонидан Порталга юбориладиган ахборот қуйидаги сабабларга кўра рад этилади ва чоп этилмайди:

- Фойдаланувчи томонидан Порталга юбориладиган ахборотнинг мавзуси Порталга таклиф қилинган муаммоли мавзуларга мос келмаганда;

- Фойдаланувчининг хабарида аввал уни ҳал қилишнинг имкони йўқлиги тўғрисида жавоб қайтарилган муаммо тўғрисидаги маълумот келтирилганда;

- Фойдаланувчи томонидан Порталга юбориладиган ахборотда уларнинг асосида текшириш ўтказиш мумкин бўлган аниқ фактлар келтирилмаганда ёки Фойдаланувчи томонидан Порталга юбориладиган ахборотнинг мазмуни тушунарли бўлмаганда;

- Фойдаланувчининг муаммо тўғрисидаги матн ва/ёки фотоматериаллар тўғрисидаги шарҳлари айнан бир объект тўғрисидаги Фойдаланувчининг Порталда аввал чоп этилган хабарини такрорлайдиган ва бунда Тошкент шаҳар ҳокимлиги тизимидаги бошқарма ва ташкилотларнинг ушбу хабар бўйича жавоби чоп этилмаган бўлса ёки Фойдаланувчининг айнан битта объект бўйича шунга ўхшаш сигнали аввал Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари, уларнинг тузилмасидаги бошқарма, корхона ва ташкилотлар ҳамда бошқа мутасадди бошқарма ва ташкилотларга (кейинги ўринларда – Масъул ижрочилар) текширув ўтказиш учун жўнатилган тақдирда;

- Фойдаланувчи томонидан Порталга юборилган ахборотда Порталнинг бошқа Фойдаланувчилари, Портал оператори, масъул ижрочилар, жисмоний ёки юридик шахслар шаънига нисбатан асоссиз, исботланмаган айбловлар келтирилган бўлса;

- Фойдаланувчи томонидан Порталга йўлланадиган ахборотда ирқий, этник, жинсий, диний, ижтимоий аломатларига кўра нафрат ва камситиш, озчиликлар, вояга етмаганларнинг уларга ҳар қандай шаклда зарар етказадиган тарзда ҳуқуқларини чеклаш, Портал, Портал оператори, масъул ижрочилар шаънига ҳақорат кўзда тутилган ҳолларда;

- Ахборотда келтирилган, Фойдаланувчи томонидан Порталга йўлланадиган ҳамда Фойдаланувчининг хабарини Порталда чоп этиш учун ёки Фойдаланувчининг хабарини ваколатли органга қайта йўналтириш учун зарур бўлган хабар матнида ва/ёки фотосуратларда шахсга доир маълумотлар, шу жумладан, учинчи шахсларга оид бўлган ва уларнинг розилигисиз тарқатиладиган шахсий маълумотлар кўзда тутилган ҳолатларда;

- Ахборотда келтирилган, Фойдаланувчи томонидан Порталга йўлланадиган ҳамда Фойдаланувчининг хабарини Порталда чоп этиш учун ёки Фойдаланувчининг хабарини масъул ижрочиларга юбориш учун зарур бўлган хабар матнида ва/ёки фотосуратларда тижорат мақсадида ёки Порталнинг яратилиши ва фаолияти учун зарур бўлган мақсадлардан фарқ қиладиган ахборот кўзда тутилган ахборот келтирилган, шунингдек, ўзга ресурсга ҳавола кўзда тутилган тақдирда;

- Муаммонинг мавжудлигини намоиш қилувчи фотосурат, ушбу Ягона модерация қоидаларининг 2.3 бандига жавоб бермайдиган ва бунда Фойдаланувчилар томонидан Порталга йўлланадиган ахборот ушбу фотосуратга унинг асосида текширув ўтказилиши мумкин бўлган ягона факт сифатида ишора қилган тақдирда;

- Фойдаланувчи томонидан Порталга юбориладиган ахборотда хатолар ва/ёки муаммо бўйича матнли шарҳ мазмунини тушунишга тўсқинлик қилувчи нуқсонлар мавжуд бўлганда, тўлиқ ёки асосан бош ҳарфларда, тиниш нуқталарисиз ёзилганда, умумфойдаланишда бўлмаган ва уларнинг мазмунини очиқ бериш зарур бўлган атамалар ва қисқартмалар келтирилган бўлса;

- Фойдаланувчилар томонидан Порталга йўлланган ахборотда одоб-ахлоқ қоидаларига зид бўлган сўзлар ва шундай маъноли иборалар қўлланилган тақдирда;

- Фойдаланувчилар томонидан Порталга йўлланган ахборотда шахсий тусдаги хабарлар, илтимослар, сўровлар кўзда тутилган тақдирда;

- Фойдаланувчи томонидан Порталга йўлланадиган ахборотда турли муаммоли мавзулардаги бир неча муаммо/объектларнинг таърифи келтирилганда;

- Фойдаланувчилар томонидан Порталга йўлланган ахборотда объектда бажарилган ишларга мутаносиб бўлмаган миннатдорлик кўзда тутилган тақдирда;

- Фойдаланувчилар томонидан Порталга йўлланган ахборотда кўрсатилган манзил танланган объект манзилига мос бўлмаган ёки аниқлаштиришни талаб қилган ҳолларда;

- Фойдаланувчилар томонидан Порталга йўлланган ахборот мавзуси Фойдаланувчи томонидан танланган объект тоифасига ва/ёки муаммоли мавзуга мос бўлмаган ҳолда;

- Фойдаланувчининг шахсга доир маълумотлар Порталда жойлашган “Халқ назорати” электрон портали билан фойдаланиш тўғрисидаги Қелишув талабларига мос бўлмаган ҳолда;

- Фойдаланувчилар томонидан Порталга йўлланган ахборот матнида муаммонинг моҳиятига тегишли бўлмаган ортиқча ахборот ёки Портал оператори ходимларига, масъул ижрочиларга, бошқа шахсларга мурожаат кўзда тутилган ҳолларда;

- Фойдаланувчи томонидан келтирилган атрибутлар Фойдаланувчининг матнга берган изоҳларига ва/ёки муаммо тўғрисидаги фотоматериалларга зид бўлса.

4. Фойдаланувчи хатти-ҳаракатларини чегаралаш учун асослар

4.1. Фойдаланувчилар томонидан қуйидаги хатти-ҳаракатлар сотир этилганда уларнинг хабар ҳамда сигналларни юбориш имконияти вақтинчалик блакировка қилинади:

- Фойдаланувчи томонидан Порталга йўлланган ахборотда Порталнинг бошқа Фойдаланувчисига, Портал операторига, масъул ижрочиларга, ўзга шахсларга зарар етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракат қилиш таҳдиди, шунингдек, сиёсий, диний ёки бошқа турдаги таъқиб қилиш таҳдидлари кўзда тутилган бўлса;

- Фойдаланувчи спам-роботлар томонидан содир этилган хатти-ҳаракатларни амалга оширган деб баҳоланиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларни содир этган тақдирда. Агарда Фойдаланувчи 10 (ўн) дақиқа давомида умумий ҳисобда камида ўнта бир хил хабар, сигнал йўллаган бўлса ҳамда у томонидан Порталга 24 (йигирма тўрт) соат давомида 20 (йигирма)та хабар, сигналларни, шу жумладан, масъул ижрочиларнинг муаммо бартараф этилгани тўғрисидаги жавобларига раддияларни йўллаша.

5. Масъул ижрочилар томонидан тайёрланган жавобларга қўйиладиган талаблар

5.1. Масъул ижрочилар томонидан тайёрланган жавоблар қуйидаги ҳолатларда қайтарилади:

- Фойдаланувчилар томонидан юборилган ахборотларга тайёрланган жавоб ушбу ахборотни кўриб чиқиш ва жавоб бериш ваколатига эга бўлмаган масъул ижрочиларнинг бошқа ходимлари томонидан имзо қўйилган бўлса;
- Масъул ижрочилар томонидан тайёрланган жавобда илова сифатида кўрсатилган ҳужжатлар тегишли тартибда унга илова қилинмаган тақдирда.

6. Фойдаланувчилар томонидан Порталга йўлланган ахборотни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари

6.1. Фойдаланувчилар томонидан Порталга хабар, сигналлар шаклида юбориладиган ахбороти Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни доирасида кўриб чиқиладиган, масъул ижрочиларга расмий мурожаати ҳисобланмайди.

6.2. Фойдаланувчи томонидан Порталга йўлланган ахборот масъул ижрочилар томонидан кўриб чиқилиши шарт ва ушбу ахборот “Халқ назорати” электрон порталида маълумотларни қайта ишлаш Регламентида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2020 йил “ 14 ” сент.абрдаги
839 -сонли қарорига
3-илова

**“Халқ назорати” электрон порталига уланадиган
Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари, уларнинг тузилмасидаги
бошқарма, корхона ва ташкилотлар ҳамда бошқа мутасадди бошқарма
ва ташкилотлар
РЎЙХАТИ***

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари;
2. Тошкент шаҳрининг туман ҳокимликлари;
3. Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси;
4. Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси;
5. Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси;
6. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси;
7. Тошкент шаҳар Транспорт бошқармаси;
8. Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси;
9. Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси;
10. “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамияти;
11. “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти;
12. “Тошшаҳарнур” давлат унитар корхонаси;
13. “Тошкент иссиқлик маркази” акциядорлик жамияти;
14. “Тошиссиққуввати” давлат унитар корхонаси;
15. “Ҳудудгаз Тошкент шаҳар” МЧЖ;
16. “Тошкент шаҳар сув таъминоти” МЧЖ;
17. “Махсустрас” давлат унитар корхонаси.

Изоҳ:

* - Бошқарма, корхона ва ташкилотлар рўйхати ўзгартирилиши ва қўшимча киритилиши мумкин.

**Ушбу низом адлия органлари томонидан кўриб чиқилди ва ижобий
хулоса олинди (11.09.2020 йил, рақами №03-6/3015)**